

**ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК ВА УСЛУБИЙ СИНКРЕТИЗМ**

**Хулкар Гаипова Кўзибаевна**

*Урганч давлат университети*

*доценти, PhD.*

Кейинги даврда адабиётшунослик илмида анъанавий реализмнинг имкониятлари, ижодий индивидуалликнинг очилмаган қирралари мавжудлиги хусусида кўп ёзишмоқда. Хусусан мустақиллик йилларида яратилган наср намуналари – роман, қисса ва ҳикоялар бу йўналишдаги баҳсларнинг асосий объектидир. Бу табиий: насрий асарлар мазмун ва ҳажм жиҳатидан салмоқдорлиги, эпик баён ва ифоданинг кўламдорлиги ҳамда бадиий таҳлилнинг серқирралиги билан ажралиб туради ва тасвир имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланишга имкон беради. Бу имкониятлар асарларнинг барча қисмлари – ғоявий мазмун йўналиши, образлар тизими, композицияси, бадияти, шаклий-услубий кўринишларида, ижодий индивидуалликнинг ранг-баранглашувида воқе бўлмоқда. Бу жараёни вужудга келтирган омиллар, назаримизда, қуйидагилар: 1) бадиий тафаккурдаги янгиланиш, ва турфа ижодий изланишларга кенг йўл очилиши; 2) реализмнинг ҳаққонийлик, ҳаётийлик, таъсирчанлик, юксак бадиийлик каби ўзак хусусиятларининг янги ижтимоий-тарихий шароит эҳтиёжларини қондиришга қодирлиги; 3) бадиий ижоднинг мавзу ва объект доирасининг ҳар қачонгидан кенгайгани, адиблар маҳорати ва ўзига хослиги ўсганлиги; 4) замонавий (модернистик) услуб тамойилларидаги айрим унсурларнинг миллий анъаналар билан синтезлашуви асосида реалистик тасвирнинг бойиб бораётгани. Ижодий характердаги бу эврилишлар янгиланаётган тафаккур моҳиятида реализмнинг ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ҳаттоки, бугунги кунда ноанъанавий йўлда яратилган йирик асарларда ҳам реалистик тасвирга хос қатор жиҳатлар сақланиб келаётгани эътироф этилаётир. Жумладан, адабиётшунос Д. Қуроноунинг фикрича, “Тушда кечган умрлар”, “Олабўжи”нинг реалистик, “Отамдан қолган далалар”нинг шартлилик даражаси юқори бўлган реалистик, “Кўзгу олдидаги одам” нинг сюрреалистик асарлар сирасига киритилиши шундан далолат беради<sup>47</sup>.

Реалистик тасвир турфа мавзу ва жанрлардаги асарларда инсон ва ҳаёт, ўтмиш ва бугунги кун воқелигининг мураккаб муаммоларини ишонарли бадиий кашф этишда ҳозир ҳам ўз мавқеини йўқотгани йўқ. Унинг асосини ташкил этувчи реаллик турли йўналишдаги асарларда муайян даражада акс этиши тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Бундан ўта фантастик, детектив асарлар ҳам

<sup>47</sup> Қаранг. Китобда: Норматов У. Ижод сеҳри. Тошкент: Маънавият. 2007. - Б.228.

истисно эмас. Чунки “ҳар қандай фантазия замирида реаллик ётади, тасаввур содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларнинг чегарасини кенгайтиради”<sup>48</sup>.

Реалистик тасвирнинг бундай ижодий имкониятлари силсиласида санъаткор индивидуаллиги ва услублар рангбаранглиги алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир асарда муайян услубий йўналишнинг устиворлиги унда бошқа услубларнинг айрим компонентлари бўлишини инкор этмайди. Бу ҳолат муаллифнинг мақсади, асарнинг ғоявий – бадиий мундарижаси, мавзуси, тасвир ва ифода йўсини каби омиллар тақозоси билан изоҳланади. Аммо асарнинг услубий мансублиги асосий, етакчи услуб билан белгиланади. Жумладан, Шойим Бўтаев, Нормурод Норқобилов, Саломат Вафо қиссаларида изчил аналитик услуб, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам қиссаларида лиро – романтик услуб етакчилик қилгани ҳолда ноанъанавий услублар элементлари ҳам учрайдики, уларнинг даражаси ҳар бир асарда ҳар хил бўлиб, қисса моҳияти ва адиб бадиий нияти ифодасига монелик қилмайди. Бу жараёнда, табиийки, услублар муносабати, уларнинг синкретик (қоришиқ) шакли вужудга келади.

Бир асарда турфа бадиий услуб элементларининг мавжудлиги ўзбек адабиётида янги ҳодиса эмас, унинг намуналари айниқса саргузашт адабиёт бағридаги фантастик ва детектив асарларда кўпроқ ва ёрқинроқ намоён бўлади. Бу жиҳатдан ўтган асрнинг иккинчи ярмида яратилган Ўлмас Умарбековнинг “Ёз ёмғири”, “Жўра қишлоқ”, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девнинг ўлими” ҳамда Тоҳир Малик ва Ҳожиакбар Шайхов асарлари алоҳида ажралиб туради. Адабиётшунос. У.Норматов ҳақли равишда эътироф этганидек булардан “Сариқ девнинг ўлими” шу жиҳатдан характерлики, унда ҳам саргузашт, ҳам детектив, ҳам фантастик, ҳам сатирик асарларга хос хусусиятлар қоришиб кетган”.<sup>49</sup>

Услубий синкретизм аънанаси бугунги қиссачилиқда ҳам давом этмоқда. Бу жараён ижодий характерда бўлиб, фантастик, детектив асарларнинг мавзу ва жанр қамрови анча ранг-баранглашди, реалистик баён ва ифода шакллари романтик руҳ, метафоризм ва символика билан янада такомиллашди, тасвир кўлами, ҳар бир адибга хос индивидуаллик кўринишлари кенгайди. Бу йўналишдаги асарлар учун фожеа, ижобий қаҳрамон мағлубияти, ғамгинлик оҳанглари, трагик вазият, конфликтнинг кескинлиги каби асосий хусусиятлар муштарак бўлса ҳам уларнинг талқинлари ҳар бир ижодкорда турличадир. Бу ўзига хосликнинг муҳим қирраларидан бири адибнинг бадиий услубларга муносабати, ижодий “ўзлигидир”.

Услубий синкретизмнинг ҳозирги қиссалардаги характерли жиҳатлари тажрибали носир Эркин Усмоновнинг “Тақдири азал” асарида ёрқин акс этган.<sup>50</sup> Қисса сюжети асосида ҳаётий воқеа ётади. Лекин унинг сабаб ва оқибатларидаги фантастик ва детектив талқинлар асардаги реалистик мазмунга сингиб кетади,

<sup>48</sup> Иброҳимова Р. Ўзбек фантастикаси ва Ҳожиакбар Шайхов ижоди //Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. №6. Б. 20

<sup>49</sup> Норматов У. Талант тарбияси. Тошкент: Ёш гвардия. 1980. Б. 165.

<sup>50</sup> Эркин Усмонов. Тақдири азал Шарқ юлдузи. 2007 №2. Б. 83-99 бетлар. Парчалар бу манбадан олинди, қавсда саҳифалар рақами кўрсатилади.

унга романтик рух, фавкулудда таъсирчанлик бағишлайди. Асарда бадий фантастиканинг қуйидаги мотивлари мавжуд. 1) башорат қилиш; 2) қиёфодошлик; 3) инсон руҳияти тириклиги (абдий яшаш); 4) туш кўриш. Детектив эса ўлим билан боғлиқ жиноят излари талқинида кўринади. Бу мотивларнинг барчасини умумий ғоявий-фалсафий нуқтага йўналтирувчи асос-тақдир концепциясидир. Илгари ҳалок бўлган инсоннинг тирик руҳи қисса воқеаларида бош қаҳрамоннинг қиёфодоши сифатида гавдаланиб, унинг қисмати, саргузаштларини башорат қилади ва такрорлайди. Натижада сюжетда ёндошлик (параллелизм) вужудга келади ва воқеалар илгари юз берган ҳодисаларнинг бадий талқинига айланади. Бунда инсон вафотидан сўнг ҳам руҳ сифатида яшашда давом этиши, унинг жисми билан руҳи ўртасида муайян муносабат мавжудлиги хусусидаги қарашлар акс этади.

Қисса воқеалари тадрижида реалистик тасвирнинг табиийлик, ҳаққонийлик, макон ва замон аниқлиги, талқиннинг ишончлилиги каби тамойиллари етакчилик қилади, детектив мотив эса сюжетнинг ечим қисмида кўшилади. Шу боис сюжет қатламларида тасвир ва ифоданинг қуйидаги йўналишлари юзага келади. 1) реалистик, ҳаётий, оддий воқеаларнинг қамровли баёни; 2) нотаниш кимса-башоратчининг аралашуви билан хаёлий-ноанъанавий унсурлар таъсирининг кучайиши; 3) детектив воқеаларни ҳаракатлантирувчи “сир” ва ўлимга алоқадор фожеа сабабининг ойдинлашуви.

Асар воқеаси бош қаҳрамон ёш йигит Ақобирнинг университетга кириш имтиҳонлари топшираётган пайтдаги лавҳа билан бошланади. Уни ногаҳонда “кўзлари ич-ичига ботган, юзини сийрак соқол қоплаган, симёғочдек баланд бўйли, салгина танишдек йигит” ёнига чақириб, ўқишга кирмасликдан огоҳлантириб кетади. Бу воқеада бир қарашда одатдан ташқари бирон сир сезилмайди. Аммо кейинги воқеалар давомида адиб ана шу сирни тобора ойдинлаштириб, огоҳлантириш ва сал танишлик моҳиятини оча боради. Нотаниш кимса гапига кирмаган Ақобир университетни имтиёзли диплом билан битказиб, йирик бир корхонага бўлим мудирининг ўринбосари бўлиб ишга киради, яхши ишлай бошлади. Муҳими шундаки, тасвирнинг реалистик ва фантастик йўналишлари ҳар бир воқеада ўзаро узвий уйғунлашган ҳолда қўлланилиб, қаҳрамон характеридаги ўзгариш, руҳий ҳолатни кўрсатишга қаратилади. Унда туш, башоратчининг тўсатдан пайдо бўлиши ва шарпадек тезда йўқолиши каби фантастик унсурлар кенг қўлланилади. Бу усул биринчи учрашувнинг Ақобирга таъсири сифатида шундай сувратланади: “Туш кўрибди. Тушида ўша йигит ортидан қувиб келаётган эмиш... Ақобир ўпкаси оғзига тиқилиб югурармиш. У эса оқсоқланган куйи, ишшайганча орқасидан қувармиш. Аҳийри Ақобир қандайдир чуқурга қоқилиб, йиқилиб тушибди” (84). Бу ўринда муайян рамзийлик ҳам акс этган. Нотанишнинг Ақобир изидан қолмай қувиши асар сюжетидаги давомийлик ва бадий конфликтга ишора бўлса, чуқурга йиқилиши қаҳрамон омадсизлиги мағлубиятининг рамзидир. Аммо бу ҳол

узоққа бормади, кунларнинг бирида яна ўша йигит пайдо бўлиб қолдию, “худди саратонда қор ёғгандай бўлди”. Бундан довдираб, ўзини йўқотиб қўяёзган Ақобир билан нотаниш кимса мулоқоти тақдир ҳукми ифодасининг бошланмаси бўлди ва кейинги зоҳирий ҳамда ботиний конфликтлар ривожига туртки берди:

- Барибир, айтганимга кирмадинг, – деди нотаниш йигит хўрсиниб, майли, энди ўзинг биласан. Лекин бу ишхонадан кетишинг керак!

- Сиз кимсиз ўзи,-тили зўрға айланди Ақобирнинг, – сизга нима керак?

- Кимлигимни аҳамияти йўқ– хунук илжайди у, – фақат сени огоҳлантириб қўйишим керак.

- Оғзингизга қараб гапиринг, – деди Ақобир еб юборгудек ўқрайиб

- Мен сенга қараб гапираяпман, гапларимни қулоғингга қуйиб ол. Тез бўшаб кетсанг, кетдинг, бўлмаса ўзингнинг бошингни ейсан.

Нотаниш йигит худди шарпадек лип этиб чиқиб кетди (81-83). Бу учрашув сюжет таранглиги, характерлар тўқнашуви, қаҳрамоннинг жисмоний ва руҳий ҳолатидаги кескин эврилишларига йўл очди, гарчи Ақобир Аҳмедов шарпа сўзларига ўзини бефарқ кўрсатишга уринса ҳам қалбида безовталик, ҳадиксираш туйғусини сеза бошлади ва ҳаётида у кутмаган, лекин башорат қилинган фожеали воқеалар бошланди. Ақобир ишлаётган корхона тезда тафтишчилар текшириб, уни бошқаларнинг алдови билан қандайдир тадбиркорнинг қандайдир фирмасига ноқонуний равишда йирик миқдордаги маблағ олишга ёрдамлашганда, сохта ҳужжатларга имзо қўйишда, бунинг учун юз минг сўм пул олганликда айблашади ва уч йилга озодликдан маҳрум этилади, у ҳақлигини исбот қилаолмайди. Асарда бу воқеаларнинг батафсил баёни атайин келтирилмайди. Бу усул қиссадан кўзланган мақсад, тасвир йўсини, эпиклик даражаси, композициянинг ўзига хослиги билан асосланади, яъни бадий ниятга кўра нохуш ҳодисаларнинг сабаб ва тафсилотларини ҳикоялаш эмас, балки уларнинг қаҳрамон характери, хусусан тақдирига, руҳиятига таъсирининг таҳлили диққат марказида туради.

Нотаниш йигит огоҳлантиришининг илк натижаси бўлган бу фожеа Ақобирнинг ўз ўзини англашга ундаса ҳам у ғафлат қуршовидан чиқа олмайди, ўнгида ҳам, тушида ҳам номаълум шарпа уни таъқиб этаверади, қамоқхонада уйқусида Ақобир уни тепмоқчи бўлганида “ўзини манглайи шилингани, оғзи бурни қон” ҳолда кўради. Адиб ички драматизмга бой бу лавҳада қаҳрамон руҳиятидаги изтиробли жараён, кайфиятидаги тушкунликни куз фаслининг файзсиз манзараларга қиёслаб психологизмни чуқурроқ ва таъсирли ифодалашга эришади: “ҳавонинг қовоғи солиқ, эзиб-эзиб ёмғир ёғади, оёқ ости пилч-пилч лой, теварак атрофда кўзни қувнатадиган бирон нарса кўзга ташланмаётгандек туюлади”. Аммо Ақобир ҳаётида бошланган таҳликали воқеалар уни бутунлай умидсизлик қаърига ташламайди, даҳшатнинг туб сабабини англаб етмаса ҳам тобора хушёр тортиб, чидаш ва яшашга интилади. Қаҳрамон онги ва руҳиятидаги бу ўзгариш унинг қамоқхонада дурадгорлик

хунарини ўргангани, озодликка чиққач, мебель фабрикасига ишга кириб, “қўлига пул, кўкрагига шамол теккандек бўлди”. Шу орада ота-онаси ва ёлғиз опасининг Ақобирни уйлантириш фикри унинг кўнглини янада кўтарди, Ойгул исми “ҳам ойга, ҳам гулга ўхшаган хурлиқо”, мусиқа билим юртида ишлайдиган қиз билан тўй тараддуди бошланади, йигит ўзини бироз тинчигандай сезади. Сюжет тизимидаги бундай реалистик тасвирга хос эпик баёндаги изчиллик ва сокинлик тасодифий эмас. У вақтинчалик ҳолат, келажакда қаҳрамонни синов қиладиган янада аянчлироқ дақиқаларга замин бўлиб, ўзак воқеаси – башоратчи хатти-ҳаракатига мантиқан боғланади ва талқинда реалистик ва фантастик унсурларнинг алмашилиб туриши композиция тақозосига кўра асар тўқимасига сингиб кетади.

Тўй хаёлида бозордан қайтаётган Ақобир кўзларига ишонмади: “бошида ғижим шляпа, оёғида қўпол, ипсиз ботинка, чуваккина юзи саксовулдек қорайиб кетган” нотаниш йигит таъқиб қилар экан, бирдан тўхтади. Яна ўша огоҳлантириш ва маслаҳатлар. Бу сафар Ақобир Ойгулга уйланмаслиги кераклиги, қиз жазмани билан тутилиб, аввалги эридан ажралганидан огоҳ этилади. Шу билан бирга шарпа ўзи ҳақида баъзи ишораларни яширмайди. У Ақобирнинг “Агар сир бўлмаса, кимсиз ўзи? Бало-қазомисиз? Ажалнинг уруғи?, – деган саволига “Балки шунақадирман. Балки ўлим элчиси... балки тақдири азалдирман” –деб жавоб беради. Лекин энг асосийси Ақобир саволига башоратчининг қуйидаги жавобида акс этган эди: “– Ким сизга мени бир умр таъқиб эт, огоҳлантириб юр, деган вазифа топширган?”. Нотаниш йигит бир лаҳза тикилиб турди-да, кейин кўрсаткич бармоғи билан осмонга ишора қилди ва орқасига бурилди (88). Нотаниш ўзининг кимлигини тўла ошкора қилса, фантастик асардаги “сирлилик” ва жумбоқли оҳанглилик уйғунлигига путур етарди. Ойгул ҳақидаги аччиқ фикрдан гангиб қолган Ақобир нотанишнинг гапларига унчалик ишонмади, ҳатто осмонга ишорасидан унинг шунчаки оддий башоратчи эмаслигига ҳам эътибор бермади. Лекин барибир қалбида бир ички дард хавотир туйғусини сезиб турарди. Бундай ҳаяжонли дақиқаларда руҳиятдаги безовталиқ қаҳрамонни ўз интилишларидан қайтара олмайди. Сюжет такомилли тақозосига кўра воқеалар ривожидан давом этади, Ақобир характеридаги турли кутблар ёрқин кўрина бошлайди.

Тўй қилиб, мақсадига эришган бўлса ҳам Ақобирни шубҳа, гумонлар тарк этмади. Хотини ҳақидаги фикр ҳақиқат эканига ишонгани ҳолда унга кўникиб яшади, фабрикада ишлаётгани боис қора ўтмишини бироз унутишга интилди, шанба, якшанба кунлари бошқалар буюртмаси бўйича ишлаб қўшимча пул топа бошлади. Изчил реализмга хос бундай ҳаётий тасвир моҳиятан фантастик руҳ қобиғидаги фавқулодда воқеалар учун фон вазифасини адо этади ҳамда осуда ва шиддатли вазиятлар талқини қаҳрамон руҳияти ва ҳаракатларида ўзаро зиддиятли эврилишларни юзага келтиради. Ақобир ҳаётида шундай бўлди ҳам – Ойгулни яна жазмани билан қўлга туширди. Шундай қилиб, узоқ давом этмаган

тинч маром бузилди, шубҳа ростга, қувонч даҳшатга, орзу саробга айланди. Воқеалар тадрижидаги бу бурилиш туфайли реалистик тасвир фантастик ва детектив мотивлар билан такомиллашди ва фожеавий йўналиш кескинлиги кучайди.

Акобирга хотинининг хиёнати асарда реал анъанавий лавҳа талқинида берилади: кечаси тун ярмида тоғдаги танишиникидан уйга келган Акобир ётоқхонада Ойгулни бегона эркак билан кўради. Айниқса хотинининг ҳаёсизлик билан “шундай бўлиб қолди” деганини эшитгач, руҳиятида изтиробли туғёнларнинг авж нуқтаси пайдо бўлади: “худди кўз олдида ер билан осмон чирпирак бўлиб айланаётгандек туюлдию гандираклаб кетди, чакка томирлари бўртиб чиқиб, пешанасини ғижимлаганча деворга суянди: сўнгра пиёлани тўлдириб ароқ симирдида кайф аралаш алланималарни ғудраганча ўтирган куйи ухлаб қолди” (92). Бегона эркак ўзини ташқарига уради, Акобир эса қочиб кетаётган хотинига қараб теша отади, аёл зинапоядан ерга қулайди. Эртаси эрталаб хотинини ўлдиришда айблаб Акобирни ҳибсга олишди. Бу фавқулодда воқеа қисса умумий сюжети тадрижида янги, юқори босқич бўлиб, эпик баён ва характер талқинларида услубий қоришиқлик ҳодисаси ёрқин кўринади: 1) Акобирнинг қамоқдаги ҳолати кечаги воқеа таҳлили, ўз қилмишининг тафтиши, руҳиятини бетизгин пўртаналар қуршови аналитик услуб унсури бўлса, башоратчининг бу ерга келиб, Акобирни кўргач тўсатдан ғойиб бўлиши фантастикага хос элементдир. 2) Аёл қотилини топиш, унда Акобир иштирокини аниқлаш зарурияти асарга детектив мотивни олиб кирди ва изқуварлик оҳангги сюжет йўналишида шартли рамзийликка туртки берди. 3) детектив талқинлар фақат Ойгул фожеасининг сабабларинигина эмас, балки асардаги барча воқеаларни бир тизгинда яширин нуқтада тутиб турган “сир” ва пинҳонийликни ошкор қилиш воситаси функциясини ҳам бажаради. Бу жараёнда, табиийки, аёл ўлими тафсилотлари сюжетнинг кульминацион нуқтаси, тергов натижаларининг хулосаси эса бадий ечимнинг ибтидоси вазифасини ўтайди.

Қиссада изқувар, лейтенант Қурбонов олиб борган тергов талқинига кенг ўрин берилгани муаллиф бадий нияти ва мавзу тақозоси билан асосланади. Чунончи, терговга оид ҳар бир лавҳа ва деталь, биринчидан, асар бошидан давом этаётган гоҳ реал, гоҳ хаёлий-ғаройиб воқеалардаги жумбоқни ечиш ва иккинчидан ғойибона башоратчи шахсини аниқлашга қаратилган эди. Бу чигал вазифанинг зийрак терговчи томонидан адолатли бажарилиши лавҳаларида ҳам реалистик тасвир имкониятлари қўл келади: Ойгулнинг ўлимида Акобирнинг айбсизлиги, у отган теша тегмагани, аёл “бошининг орқа қисми семон қиррасига тегиб ёрилгани, хушини йўқотиб, миясига қон қуйилиш натижасида жон бергани ва ашё- далиллардаги эрига тегишли излар эса устмон жазманининг хийласи экани маълум бўлади. Бир қарашда, бу ҳол воқеалар шу ерда мантиқан яқун топгандай, Акобирни озод этиш мумкиндай

таассурот туғдиради. Лекин қисса тасвирининг сербўёқлиги жисмоний ва руҳий изтироблар гирдобидаги қахрамон қисматининг асл моҳиятини, бадиий мантиқни тўла ойдинлаштиришни тақозо қиларди. Шу боис кейинги воқеалар тарзи янги ракурсга кўчади-муаллиф нутқи ўз ўрнини персонажлар нутқиға, тўғрироғи диалогларға бўшатиб беради. Қиссада бадиий нутқнинг бу турлари кенг қўлланилган бўлса ҳам, ҳар бирининг миқёс ва даражаси талқин характери билан белгиланган. Жумладан, Ақобирнинг студентлик даври, ишлаб чиқариш корхонаси ва мебель фабрикасидаги фаолияти, қамоқхона ва туш манзаралари, оилавий муҳитдаги турмуш тафсилотларида муаллиф нутқи устуворлик қилса, унинг нотаниш йигит ва терговчи билан нутқи диалог, монологлар асосига қурилган. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, башоратчининг Ақобир билан диалоги бир йўсинда-бўлғуси воқеалардан огоҳлантириш оҳангида қисқа бўлса, терговчи ва Ақобир нутқи жиноят ва башорат сирни ошкор этишга қаратилгани боис нисбатан батафсил ва қамровлидир. Кейинги воқеалар оқимида олдинги ўринга чиққан терговчи фаолияти талқинида унинг касб хусусиятларига хос синчковлик, руҳий-психологик таҳлил, далил ва таҳминларни қиёслаш, мантиқий мушоҳадалик сюжет йўналишида муайян бадиий-услубий функция ташийд.

Қуйидаги диалогни асардаги асосий жумбоқни ечиш йўлидаги илк қадам дейиш мумкин. Бу Қурбоновнинг Ақобирга “хотинингиз хушторлари борлигини илгари сезганмидингиз? – деган саволи билан бошланади:

– Биласизми, бу жуда ғалати нарса, - шивирлади Ақобир,- айтсам ишонмайсиз.

– Айтаверингчи.

– Мен... бир нотаниш одамни биламан. Қайси куни ҳам уни кўриб хушимдан кетиб қолдим.

– Қизиқ, - қошларини чимирди Қурбонов.

– Ҳа, ҳа, жуда қизиқ,- деди Ақобир ранги оқариб,- мана ишонмаяпсиз. Бегона одам қамоқда нима қиляпти деб ўйлаяпсиз. Рост хотиним аввалги эрига ҳам хиёнат қилганини ўша одамдан эшитган эдим.

– Ким ўзи ўша одам?

– Тўғриси, билмайман. Кўрсам танийман. Лекин ким? Бунисини айтолмайман. Аввалги сафар қамалишимни ҳам ўша одам башорат қилган эди. Бошимга тушадиган кўргуликларни доимо у олдиндан кўриб туради. (96).

Бу кутилмаган, ишончли сўзларни эшитган терговчига калаванинг учи кўрингандай туйилди. Шу боис унинг талаби билан Ақобир бошидан ўтган барча кўргуликларни гапириб берди, нотаниш йигитнинг қиёфасини, туришию кийимларигача чизиб кўрсатди. Бу чизма махсус фоторобот ёрдамида сурат шаклига киритилди. Суратни қўлига олган Қурбонов қотди қолди. “Ақлдан озиб қолиш ҳеч гапмас,- деди ўз ўзига. Чунки суратдаги киши Ақобир Ахмедовни эслатарди. Воқеалар тизимиға сурат деталининг киритилиши, биринчидан

руҳиятда фавқулоддаликини (терговчи ҳолати) вужудга келтирди, иккинчидан, башоратчи шахсини аниқлашда очқич-восита вазифасини бажарди. Сурат тафсилоти янада кутилмаган, ажабтовур бўлиб чиқди: суратда акс эттирилган О.О исмли кимса ўттиз йил аввал ҳаётда бўлган, халқ хўжалиги институтини тамомлаган, банкда, бошқа корхоналарда ишлаган, молиявий хатога йўл қўйиб қамалиб чиққан. Хуллас кейинги воқеалар ҳам Ақобир ҳаётига жуда ўхшаш, фожиали ўлими эса машина тагига тушиши билан изоҳланган.

Аммо, ҳали муаммо тўла ҳал бўлмаган эди. Аввало бу ғаройиб ўхшашлик сабабларини билиш, сўнгра унинг Ақобирга бевосита алоқадорлигини ва огоҳлантиришдан мақсадини аниқлаш зарур эди. Психология мутахассиси Жанна муаммонинг назарий жиҳатларига оид изоҳлари билан фантастик талқинга илмийлик қўшилди: Буни “таносух” деб ҳам аташади. Айрим халқлар ақидасига кўра, одамзод ўлгач йўқ бўлиб кетмайди. Яна дунёга қайтиб келади: ким дарахт, ким гул, ким одам, ким бирон махлуқ қиёфасида. Бу – илм! Ҳаммамиз қачонлардир бу дунёда яшаганмиз. Ўша О.О деган кимса айбланувчи Ақобир Аҳмедовнинг аввалги ҳаётидаги қиёфадоши ва қисматдоши бўлиши мумкин – ку – ахир?

– Нима у? Арвоҳми? Руҳми? – ҳайратини яширмади Қурбонов.

– Балки ўлим шарпасидир?

– Шарқда “ичингдаги ичингдадир”, деган ибора бор. Ҳар бир одамнинг ўз “мени” бўлади. “Мен” инсонни туғилганидан то ўлгунча таъқиб қилаверади. Ҳар кимса ожизликлари, хато камчиликлари, гуноҳу нуқсонларини бошқалар кўзидан бир умр яшириб юрадиган томонларини ёлғиз ўша “мени” яхшироқ билади, баъзан огоҳлантиради, баъзан таъқиб қилади, баъзан жазолаши ҳам мумкин.(97).

Бу назарий қарашлар жумбоқнинг тўла ечими учун етарли бўлмай, улар Ақобир ҳаётининг амалдаги айнан ифодаси эканини исботлаш зарурияти воқеаларда янги лавҳани келтириб чиқаради. Бу лавҳа асар охирида Ақобир қамоқдан чиқиб уйига қайтгандан кейинги ҳаётининг интиҳосини акс эттиради. Характерли жиҳати шундаки, асар сюжети бошидаги Ақобир билан нотаниш йигитнинг учрашуви ва мулоқоти сюжет охирида яна такрорланади, аммо бутунлай бошқа вазият ва талқинда. Бу учрашув мотиви воқеалар оқими ва персонажлар характеридаги зиддиятли ҳамда ўзига хос жиҳатларнинг барча қирраларини ойдинлаштиради ва асосий тугун жумбоқ ечимини ниҳоялайди. Қамоқда ҳам жисман, ҳам руҳан эзилган Ақобир энди ичишга ружу қила бошлади, кўзлари ёшланиб, оғзидан кўпик чиқиб кетгунча йўталди. Кейин ўрnidан турмоқчи бўлганда қаҳвахонада рўпарасида жулдур ёмғирпўшли кимсани кўриб тикилиб қолди. Бир бирини таниган қиёфадошлар суҳбати қисқа, фикрлар лўнда ва хулоса йўналишида бўлиб, барча тафсилотлар моҳияти башоратчи нутқидан ифодаланди: – Ақобир, энди сенинг вақтинг тугади. Афсуски, айтганларимга қулоқ солмадинг, балки, бошқачароқ одам



бўлармидинг, нимаям қилардик, тақдири азал бу! Мен қилган хатоларни такрорлашингни истамагандим, имкони бўлмади. Атайин, шунинг учун неча бор сени излаб келгандим. Уринишларим зое кетди. “ўртамиздаги сирни оламга ёйма” дедим, йўқ, дoston қилиб юбординг, одамзод барча дарду хайратлари, ғам – андуҳларини ичига ютиб яшаши кераклигини унутиб қўйдинг, энди ҳаммаси тамом” (98). Нотаниш йигит хайр дея кўчага тез чиқиб кетар экан, изидан тўхта деб қичқирган Ақобир ғира-шира қоронғу йўлда ўтаётган машина тагига тушиб ҳалок бўлади. “Бу энди ҳаммаси тамом” дея қилинган башоратнинг ифодаси, воқеаларнинг якуни эди.

Кўринадики, қисса негизини ташкил этувчи ғайритабиий мотивлар силсиласида муайян фалсафий – диний фикр мужассамлашган. Чунончи, моддий умр муваққатлиги, руҳий умр боқийлиги, тақдир амалларининг дахлсизлиги, жон ва руҳ муносабати мавжудлиги шу қарашлар асосини ташкил этади. Зеро, қиссадаги персонажлар қисматида улар ўз ифодасини топган. Жумладан, шахс “мени” талқинида қуйидаги учлик моделини тасаввур қилиш мумкин:

“Мен” → ўттиз йил олдин → нотаниш йигит = Ақобир  
яшаган О.О. Аҳмедов.

Гарчи булар бир “мен” замирида шаклланган бўлишса ҳам, замон ва макон жиҳатдан турличадир. Жумладан 1 ва 3 “мен”нинг замони ўтган ва ҳозирги давр, макони ер, замин бўлса, иккинчи “мен”нинг замони абадийлик, макони чексиз осмон ва бутун борлиқдир.

Моҳият жиҳатдан эса 1 ва 3 “мен”лар Аллоҳ бандалари, 2- “мен” ўлим билмас руҳ, тақдир элчиси тимсолидир. Аммо у ҳам аввал инсон сифатида Ақобир қисматини бошидан кечирганини юқоридаги сўзлари далиллайди.

Қиссадаги реалистик ва романтик-фантастик тасвир шаклларининг бир жанр таркибида муваффақиятли уйғунлашуви бадий синтез натижасидир. Зеро, “ҳозирги адабий синтез ҳодисаси мавжуд жанрларнинг имкониятларини бойитувчи гибрид асарларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда”<sup>51</sup>.

Асарда бадий синтез икки сатҳда – воқеалар талқини ва образлар тасвирида намоён бўлади. Биринчисида турли даврларга мансуб ҳодисалар, иккинчисида эса турфа характердаги персонажлар муносабати синтезлашуви акс этади. Жумладан, Ақобир ва унинг ўзига қиёфадош О.О. исми ўтмишдоши оралиғидаги ўттиз йиллик давр воқеалари, табиийки, айнан бир хил бўлмаган. Лекин муаллиф бадий мақсади ўтмишга айланган ўша давр билан Ақобир яшаётган ҳозирги замон воқеаларини ўзаро пайвандлай олган. Тақдирдошларга хос ташқи уйқашлик, ҳаётларидаги муштараклик, гарчи ҳар хил даврларга алоқадор бўлса ҳам, синтез усули туфайли эпик давр тасвирида мантиқий яхлитлик вужудга келган.

Образлар сатҳидаги синтезлашув Ақобир билан нотаниш йигит муносабатида ёрқин кўринади. Асар воқеалари нотаниш йигитнинг илоҳий

<sup>51</sup> Имомова Г. Ўзбек ҳикоячилигида бадий синтез.// Ўзбек тили ва адабиёти. 2006.№6. Б.42.

башорати билан тайинланса ҳам, улар асосида реаллик ётади. Бу реаллик вакили Ақобир қанчалик ҳоқисор, ишонувчан, жафоқаш бўлмасин, инсонийлик, олижаноблик, орзумандликдан мосуво эмас. Унинг инсонга Аллоҳ берадиган бу фазилатлари уни ғафлат ва кўргуликдан қутқармоқчи бўлган башоратчи ҳаракатлари билан уйғунлашади. Китобхонда Ақобирга нисбатан ачиниш ҳиссининг, башоратчига нисбатан ҳайрихоҳлик туйғусининг уйғониши тасвиридаги ҳаққонийлик билан романтика синтезининг намунаси. Бинобарин, қаҳрамон бошига тушган мусибатлар, бир томондан, тақдирнинг ҳоҳишига кўра содир бўлган оқибатлар бўлса, иккинчи томондан, Ақобирнинг шахсий қусурлари натижасида рўй берган фалокатлар ҳам эканлиги шундан далолат беради. Шунингдек, руҳшунос Жаннанинг фоторобот суратни тавсифловчи нутқининг мазмуни ҳам ҳозирги замон фани ва илоҳият муносабатлари синтезлашувининг кўринишидир.

Асарнинг тасвир ва ифода йўсинлари воқеа баёни билан кечинма-туйғуларнинг табиий омухталанганига кўра ҳам ўзига хосдир. Дарҳақиқат, “лирикада шахс ва унинг ҳис-туйғуларидан воқеага қараб борилса, эпосда воқеадан шахсга қараб борилади,...ахборотнинг шахс қалбидаги туйғуларга кўрсатган таъсири туфайли унинг руҳиятида жонланиш кечади<sup>52</sup>. Қиссада бундай “ахборот” Ақобир бошидан кечирган лавҳа-воқеалар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг фожеавий ёхуд оптимистик характериға кўра қаҳрамон қалбида турлича кечинмалар уйғотади, ҳасрат ёхуд умид ҳисларини жонлантиради. Чунончи, нотаниш йигит томондан Ақобирни ўқишга кирмаслик ҳақида огоҳлантириш воқеаси билан қаҳрамон руҳиятида ғалати кечинмалар бошланди, “юраги кўксидан отилиб чиққудек гурсиллаб урар, қора терга ботган, кўл-оёқлари дағ-дағ титрар эди”. Ақобир дуч келган ва унинг мағлубияти билан яқунланган воқеаларда – икки марта қамалишида (ишдан ҳайдалиб ва хотинининг қотили сифатида айбланиб), сўнгра ичкиликка берилиб, афтода ҳолға тушиши ва ниҳоят машина тагидаги ҳалокати каби фожеали тасвирларда ғамгин ва тушкин кайфият шуларға монанд равишда тобора чуқурлашиб боради. Бу ўринда хотима лавҳадаги руҳий кечинмани келтириш билан чекланамиз: “у ҳолдан тойган, стакандаги исқирт винодан завқ-шавқ оладиган бўлди, ширакайф кўзларини аранг очган куйи чўнтақларини узоқ ковлади. “Астра” сигарети қутисини топди, истасам ичаман, истасам чекаман, шу ерда, кўчада ҳам ётавераман”, – деди (98).

Табиийки, Ақобирнинг қисматида қора ранг бўёқлари қуюқ, аянчли мотивлар қамровли. Лекин унинг ҳаётидаги оз бўлса-да, баъзи нурли жиҳатларини кўрмаслик бир томонламалик бўларди. Хусусан, Ақобирнинг университетни битказгани, корхонада масъул ишдаги фаолияти, мебель фабрикасида ўзини кўрсата олгани, уйланишнинг дастлаб давридаги қувончли воқеалар унинг руҳиятида муайян кўтаринкилик, умидбахшлик туйғуларини

<sup>52</sup> Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. Тошкент. 2004. Б. 84.

уйғотган эдики, булар қаҳрамон характери тадрижида воқеа ва кечинма жараёнидаги узвийликни ифодалаш жиҳатидан муҳимдир.

Умуман, қисса бадий тасвир, ифода ва ижодий индивидуаллик имкониятлари кенглиги, реал истак, фантастик ва детектив талқинлар уйғунлиги ҳамда турли услублар синкретизми, воқеа ва руҳий-психологик кечинма мутаносиблиги ёрқин акс этган асар сифатида характерлидир.

Боб юзасидан кузатишларимиз хулосаларини қуйидагича умумлаштирдик:

- реалистик тасвир бадий ижоднинг етакчи тамойили сифатида ўзининг ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги ва санъаткор ижодий истеъдодини тўла намоён қилишга мувофиқлиги билан характерланади. Унинг ифода ранг баранглигининг бир қирраси давр ва қаҳрамон талқинида ёрқин акс этади. Ҳозирги қиссачиликда бу хусусият янги жиҳатларининг воқеа бўлиши бадий тафаккурдаги янгиланиш, инсон ва замон муаммосига теран, ўзига хос ва умумбашарий нуқтаи-назардан ёндошув чуқурлашиб бораётгани натижасидир. Зеро, ҳар бир даврдаги етакчи ижтимоий-психологик муҳит, маънавий вазият ижодкорга ҳам, адабий қаҳрамонга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

- реалистик ижод типининг сара намуналари бўлган Эркин Аъзам қиссаларида давр ва қаҳрамон тасвирига янгича фалсафий-эстетик тамойиллар асосида ёндошиш нисбатан кенглиги билан ажралиб туради. Хусусан, “Сув ёқалаб”, “Забаржад”, “Жаннат ўзи қайдадир” асарлари бу жиҳатдан ибратли бўлиб, уларда бугунги кун одамларининг хатти-ҳаракатлари, орзу-интилишлари, руҳиятидаги ўзгаришлар янгича ракурсда тадқиқ этилади: қаҳрамоннинг мураккаб саргузаштлари, зиддиятли ички олами талқини орқали давр руҳи, моҳияти тасвирланади. “Сув ёқалаб” қиссасининг қаҳрамони, собиқ колхоз раиси Болта Мардон, “Жаннат ўзи қайдадир” қиссаси қаҳрамони Жўракул қисматида шўро даврининг шахс ҳаётидаги асорати, фаолиятининг бир қолипга солиниши, мустақиллик эса шахс эрки ва ташаббусига кенг йўл очганлиги воқеаларида бу муаммо ишонарли ва таъсирли сувратланади.

“Забаржад” қиссаси давр ва қаҳрамон муаммосини бир аёл ҳаёти воқеалари аспектида янгича ёритгани билан ўзига хосдир. Қисса марказида бугунги замон ва унинг инсон ахлоқи, руҳияти, умуман маънавиятига таъсири масаласи туради. Ўттиз ёшлардан ошиб ҳам ёлғиз яшаётган қиз Забаржаднинг шахсий омадсизликларга қўниқиб эмас, балки уларни енгиб, кўнгил ҳоҳиши, руҳ эркинлиги билан яшашга интилиши бадий тадқиқ асосини ташкил этади. Унинг ёши катта, оилали кишини севиб қолиши адибнинг эстетик идеали ва қаҳрамоннинг умр мазмунини суйган кўнгил амрида, деб билиши билан асосланади. Забаржаднинг муҳаббат, оила ва бахт масаласига янгича қарашлари, теран дунёқараши, ҳаёт, инсон шахси ҳақидаги ўзгача фикрлаши қалбининг табиий истак ва туйғуларига бефарқ эмаслиги ифодаси бўлиб, бу ҳол уни бугунги насрда янгича ёндошувда яратилаётган аёллар образларидан бири сифатида эътироф этишга ҳуқуқ беради.

– Ижодий индивидуаллик динамикаси қирраларидан бири бадий услубларнинг турли туманлиги бўлиб, унинг қоришиқлик шакли бир асарнинг ўзида ҳам кўринади. “Тақдири азал” қиссаси бу ҳодисани миқёсли ва эмоционал акс эттиргани билан ажралиб туради. Унда реалистик тасвир билан фантастика ва детектив синкретик тарзда, жамият ва инсоннинг ўтмиш ва ҳозирги даврдаги муаммолари талқин қилинган. Бир йигит қиёфасидаги уч шахс фожеасининг аянчли, ғаройиб саргузаштлари, ички олами манзаралари, тақдир ҳукми, руҳ абадийлиги аспектида инсон умридаги мусбат ва манфий қутбларнинг объектив ва субъектив сабаблари, бадий ифода тақозосига кўра реалистик, романтик ва шартли-рамзий йўналишларнинг унсурлари омухталигида баён қилинади, воқеа ва кечинма, персонаж ва борлиқ, замон ва макон муносабатлари талқинларида услубий синкретизм ва бадий синтез муҳим структурал-шаклий функция ташийд.